

ИҚТИСОДИЁТНИ РАҚАМЛАШТИРИШНИНГ ҲИНДИСТОН ТАЖРИБАСИ

Вохидова Мехри Хасановна

Тошкент давлат шарқишунослик университети доценти в.б., PhD

mehrivoxidova@gmail.com

Аннотация: Ушбу мақолада Ҳиндистон иқтисодиётида рақамлаштириш жараёнининг ўзига хос вараивожланишида ҳисса кўшган Aadhaar идентификацион тизми ҳамда унинг хусусиятлари ёритган бўлиб, рақамлаштиришда мазкур тизимнинг ижобий ва салбий томонлари кўриб чиқарилган.

Калит сўзлар: “Рақамли Ҳиндистон”, “Aadhaar” биометрик идентификацион дастури, Ҳиндистон уникал идентификацион органи, Жан Дҳан дастури.

ОПЫТ ИНДИИ ПО ЦИФРОВИЗАЦИИ ЭКОНОМИКИ

Вохидова Мехри Хасановна

*и.о. доцента, PhD Ташкентского государственного университета
востоковедения*

mehrivoxidova@gmail.com

Аннотация: В данной статье рассматриваются идентификационная система Aadhaar которые способствовали уникальному развитию процесса оцифровки в индийской экономике. Кроме того были исследованы его особенности и недостатки, которые играли важную роль в процессе оцифровки в индийской экономике.

Ключевые слова: цифровая Индия, программа биометрической идентификации «Адхар», Управление по уникальной идентификации Индии, программа «Джан Дхан».

INDIA'S EXPERIENCE IN DIGITALIZING THE ECONOMY

Vokhidova Mekhri

Acting Assistant Professor, PhD, Tashkent State University of Oriental Studies

mehrivoxidova@gmail.com

Abstract: This article discusses the Aadhaar identification system which contributed to the unique development of the digitization process in the Indian economy. In addition, its features and shortcomings, which played an important role in the digitization process in the Indian economy, were investigated.

Keywords: *Digital India, Aadhar Biometric Identification Program, Unique Identification Authority of India, Jan Dhan Program.*

Кириш

21 асрнинг 20 йиллига келиб, Ҳиндистон дунёнинг энг тез ривожланаётган мамлакатларидан бирига айланди. Ҳиндистон иқтисодий муваффақиятининг асосида 2010 йилда Ҳиндистон ҳукумати томонидан қабул қилинган “Рақамли Ҳиндистон” дастури туради. Ушбу дастур ўз ичига ҳар бир уйда юқори паласали интернетдан фойдаланиш учун имконият яратиш, мобил технологияларнинг тарқалиш тезлигини рағбатлантириш, электрон ҳукуматни ривожлантириш, ёш ишчи кучини рақамли технологияларга ўргатиш, таълимда рақамли тизимларни қўллаш каби бир неча соҳаларни қамраб олган бўлиб, дастур асосида мамлакатда рақамли иқтисодий сиёсат шаклланди.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Рақамли иқтисодиётнинг ўсиб бораётган аҳамияти далолати 100 йил ичида ялпи ички маҳсулотнинг ҳажми ва анъанавий маҳсулотларнинг вазнини эмас, балки виртуал маҳсулотлар улушининг ЯИМдаги улуши туфайли 20 баробар кўпроқ ўсишига олиб келади.

Европа Иттифоқи мамлакатлари мутахассислари: «Рақамли иқтисод - ахборот ва коммуникация соҳасида янги умумий мақсадли технологияларнинг трансформацион самараларидир». Агар биз иқтисодиётнинг концепциясини жамиятнинг иқтисодий фаоллиги ва ишлаб чиқариш, тарқатиш, алмашинув ва истеъмол тизимида ривожланиб борадиган муносабатларнинг жамияти сифатида қабул қилсак. АКТ, Интернет, мобил телефонлардан фойдаланиш «истеъмол» деб ҳисобланиши мумкин, бу ҳолатда рақамли иқтисодни Интернет, уяли алоқа, АКТ орқали амалга оширадиган иқтисодий муносабатларнинг бир қисми сифатида аниқлаш мумкин.

М.Л.Калужскийнинг таърифига кўра, «рақамли иқтисод – бу Интернетдаги иқтисодий фаолиятнинг алоқа муҳитини, шунингдек, уни амалга оширишнинг шакллари, усуллари, воситалари ва натижалари [1]. Такдим этилган ғояни К.Келлийнинг эски иши билан тўлдиради: «Ахборот технологиялари ва коммуникация воситалари орқали биз фақат иқтисодиётнинг бир қисми эмас [2].

Рақамли иқтисод тушунчасига икки ёндашув мавжуд.

1) Классик ёндашув: Рақамли иқтисод – бу рақамли технологияларга

асосланган иқтисод бўлиб, айти пайтда фақатгина электрон маҳсулотлар ва хизматлар соҳасини тавсифлаш тўғрироқ. Классик мисоллар телетиббиёт, масофавий таълим, медиа контентини сотиш (кино, телевизор, китоблар ва бошқалар).

2) Ривожланган ёндашув: Рақамли иқтисод – рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда иқтисодий ишлаб чиқаришдир. Баъзида фалсафий жиҳатдан бу атама жуда кенг шарҳланади: «рақамли иқтисод бизнинг ҳақиқатимизни тўлдирувчи виртуал муҳитдир» [1].

Москва давлат университетининг профессори А.А.Энговатова фикрига кўра: «Рақамли иқтисод» – бу маълумотни ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сақлаш ва узатишнинг янги усуллари, шунингдек, рақамли компьютер технологиялари асосида ишлаб чиқилган иқтисодиётдир. Ушбу иқтисодий модел доирасида мавжуд бозорга асосланган бизнес моделлари радикал ўзгаришларга рўбаро келади, қўшилган қиймат модели сезиларли даражада ўзгаради, иқтисодиётдаги барча даражадаги воситачиларнинг қиймати кескин камаяди. Бундан ташқари, маҳсулотни шакллантиришга алоҳида ёндашувнинг аҳамияти ортиб бормоқда, чунки энди биз ҳамма нарсани симуляция қилишимиз мумкин [3].

М.Кастеллсга кўра рақамли иқтисоднинг ахборот иқтисодиётининг иккинчи босқичи деб ҳисоблайдиган ахборот жамиятининг назарий асосларидан бу атама 2016 йилда қуйидаги таърифни таклиф қилган Жаҳон банкининг амалиётларига ўтказилди: «Рақамли иқтисод – бу тизим ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишга асосланган иқтисодий, ижтимоий ва маданий муносабатлар» деб номланади ва натижада: «Рақамли иқтисод – тезкор иқтисодий ривожланишнинг янги парадигмаси ҳисобланади» [3].

Рақамли иқтисоднинг асосий элементлари – электрон тижорат, Интернет-банкнинг, электрон тўловлар, Интернет-маркетинг ва Интернет-ўйинлари. Сўнги пайтларда рақамли иқтисодиётни ривожлантиришга, агросаноат мажмуасини ва қурилишни ривожлантиришга имкон берди. Шу муносабат билан рус блоггери А.О.Русин шундай деб ёзган эди: «Рақамли иқтисоднинг ўзи, хом ашё ва хом ашё бўлмаган, ишлаб чиқаришсиз, хом ашёларни маҳсулотга айлантириб, қишлоқ хўжалиги ҳолда ва транспортсиз, хом ашёни заводга этказиб беради, омборга ва омбордан дўконга ёки уйингиздаги маҳсулотларга – мавжуд бўлмайди. Яъни, рақамли иқтисод бутунжаҳон иқтисодиёт эмас, балки электрон мол ва хизматлардан ташкил топган сектордаги (шу жумладан, реал товарлар танлаш ва буюртма бериш бўйича хизматлар) йўналишдир.

Шунга ўхшаш фикрларни А.В.Сешелава, В.Г.Буданов, В.Й.Румянцевлар ҳам беришади. Рақамли иқтисоднинг нима эканлигини тушунтириш учун бу тадқиқотчилар «виртуал дунёда» барча «муҳим» ҳаракатлар ҳақиқий дунёда амалга ошириш имконияти билан ажралиб турадиган ҳақиқий ва виртуал

оламларнинг бирлашувининг натижаси бўлган «гибрид дунё» тушунчасини таништирадilar.

1-жадвал

«Рақамли иқтисодиёт» атамасига келтирилган таърифлар

Таъриф берган олимлар	Рақамли иқтисодиётга таъриф
М.Л. Кажулзский	Рақамли иқтисод – бу Интернетдаги иқтисодий фаолиятнинг алоқа муҳитини, шунингдек, уни амалга оширишнинг шакллари, усуллари, воситалари ва натижалари
Европа Иттифоқи мамлакатлари мутахассислари	Рақамли иқтисод – ахборот ва коммуникация соҳасида янги умумий мақсадли технологияларнинг трансформацион самараларидир
А. А. Энговатов	Рақамли иқтисод бу маълумотни ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сақлаш ва узатишнинг янги усуллари, шунингдек, рақамли компьютер технологиялари асосида ишлаб чиқилган иқтисодиётдир
А.О. Русин	Рақамли иқтисоднинг ўзи, хом ашё ва хом ашё бўлмаган, ишлаб чиқаришсиз, хом ашёларни маҳсулотга айлантириб, қишлоқ хўжалиги ҳолда ва транспортсиз, хом ашёни заводга этказиб беради, омборга ва омбордан дўконга ёки уйингиздаги маҳсулотларга - мавжуд бўлмайди. Яъни, рақамли иқтисод бутунжаҳон иқтисодиёт эмас, балки электрон мол ва хизматлардан ташкил топган сектордаги (шу жумладан, реал товарлар танлаш ва буюртма бериш бўйича хизматлар) йўналишдир
А.В.Сешелова, В.Г.Буданов, В.Й. Румянцев	виртуал дунёда» барча «муҳим» ҳаракатлар ҳақиқий дунёда амалга ошириш имконияти билан ажралиб турадиган ҳақиқий ва виртуал оламларнинг бирлашувининг натижаси бўлган «гибрид дунё»
А. И. Соколов	Рақамли иқтисод - ўлчовли реал дунё моделлари ёки унинг рақамли моделини яратиш қобилияти, бу уч ўлчамли жисмоний дунёга қўшимча равишда янги ўлчамларни жорий этиш билан бирга, олдиндан мавжуд бўлмайдиган ҳақиқий дунё хусусиятларини ва у ерда юз берадиган жараёнларни инобатга олган ҳолда

* Жадвал муаллиф ишланмаси

Таҳлил ва натижалар. Дастур доирасида амалга оширилган чоратadbирлар натижасида 2017 йилга келиб, аҳоли сонига нисбатан интернетдан фойдаланувчилар улуши 34,5 фоизни ташкил этди. 2018 йилда мобил алоқа абонентлари 1,2 млрдни, интернет абонентлари 18,2 млнни ташкил этган.

Ҳиндистон иқтисодиётини рақамлаштиришда “Aadhaar” биометрик идентификацион дастур йўлга қўйилган бўлиб [4], у қуйидаги имкониятларни тақдим этади:

1. Ушбу дастур 12 белгили коддан иборат бўлиб, Ҳиндистон фуқароларининг персонал маълумотларини ўзида сақлайди;

2. Ушбу дастур кўл изи ва инсон кўзи маълумотлари орқали инсон тўғрисида маълумотга эга бўлиш имконини беради.

Ҳиндистон уникал идентификацион органи (UIDAI) 2009 йилда алоҳида офис сифатида ташкил этилади унинг зиммасига “Aadhaar” биометрик идентификацион дастури орқали Ҳиндистон фуқаролари биометрик маълумотларини ягона базага жамлаш мажбурияти юклатилади.

Дастурнинг асосий вазифаси қуйидагилардан иборат:

Ноёб идентификация рақамларини бериш орқали Ҳиндистонда истиқомат қилувчи жисмоний шахсларга ҳаражатлари Ҳиндистон Консолидацияланган Жамғармасидан амалга ошириладиган субсидиялар, имтиёзлар ва хизматларни самарали, шаффоф ва мақсадли етказиб беришни таъминлаш.

Рўйхатга олиш жараёнида ўзларининг демографик маълумотларини ва биометрик маълумотларини тақдим этиш орқали сўраган шахсларга “Aadhaar” рақамини бериш сиёсати, тартиби ва тизимини ишлаб чиқиш.

“Aadhaar” эгалари учун рақамли идентификацияни янгилаш ва аутентификация қилиш сиёсати, тартиби ва тизимларини ишлаб чиқиш.

Технологик инфратузилманинг мавжудлиги, кенгайтирилиши ва барқарорлигини таъминлаш.

Жисмоний шахсларнинг шахсий маълумотлари ва аутентификация ёзувларининг хавфсизлиги ва махфийлигини таъминлаш.

“Aadhaar” қонунининг барча шахслар ва идоралар томонидан ҳарф ва руҳда бажарилишини таъминлаш.

“Aadhaar” қонуни қоидаларини бажариш учун Низом ва қоидаларни Aadhaar қонунига мувофиқлаштириш.

2-жадвал

“Aadhaar” биометрик идентификацион дастурининг ижобий ва салбий томонлари

Ижобий томонлари	Салбий томонлари
<ul style="list-style-type: none"> - Иқтисодиёт тармоқ ва соҳаларидан фойдаланиш имкони кенгайади; - Мамлакатнинг нақдсиз пул оқимини фаоллаштиради; - Хуфёна иқтисодиётни камайтиради [5]. 	<p>Ушбу дастурга хаккерлар хужуми бўладиган бўлса, фуқароларнинг персонал маълумотлари тарқалиб кетиши мумкин бўлади.</p>

* Жадвал муаллиф ишланмаси

Фуқаролар 12 белгили код орқали банк, савдо хизматларидан фойдаланиш имконига эга бўлган бўлса, давлат фуқароларнинг асосий ҳисоб-китоблари ва хатти-ҳаракатларини назорат қилиш имконига эга бўлди. Масалан, ёш ходимларнинг даромади, ҳаражатлари, пул ўтказмалари ва ҳаттоки, поезд ёки

самолётда қилган сафарларининг (чипталар орқали) барчаси ягона маълумотлар базасида жамланган. Пластик карталар орқали пул кўчириш ҳам 12 белгили “Aadhaar” коди орқали амалга ошади [6].

Бундай тизим аҳолиси ўсиб бораётган кўп фуқароли мамлакатда жинойтчиликни камайтириш билан бирга ўз фуқароларининг ягона базасини тузиш ва сақлаш имконини беради. Аммо хорижлик мутахасислар ушбу базага хаккерлар томонидан ҳужум қилинганда фуқароларнинг персонал маълумотлари тарқалиш хавфи борлигини огоҳлантиришади. Шунини ҳам таъкидлаш керакки, 10 йил давомида бирор марта ҳам хаккерлар томонидан ушбу база синдирилмагани алоҳида эътиборга лойиқ.

“Aadhaar” биометрик идентификацион дастури фаолиятининг самарали ишлаши натижасида иқтисодиётнинг бошқа тармоқ ва соҳаларида ҳам рақамли тизимлар кенг қўлланила бошлади. Ана шундай дастурлардан бири Жан Дҳан дастуридир. Прадҳан Мантри Жан Дҳан Ёжана дастури 2014 йилда ишга туширилган бўлиб, 10 ёшдан 65 ёшгача бўлганларга молиявий хизматлардан фойдаланиш имконини тақдим этади. Ушбу дастур куйидаги имкониятларга эга:

- Муаммосиз ҳисоб рақам очиш;
- Фуқаролиги тасдиқловчи ҳужжати бўлмаганларнинг ҳам 1 йил давомида амалда бўладиган ҳисоб рақамни очиш;
- Пул ўтказмаларида инсон факторини минилаштириш;
- 12 белгили “Aadhaar” коди орқали банкларнинг мижоз ёки кредиторлар ҳақида кенгроқ маълумот олиш [5];
- Технологияларнинг қўлланилиши ва банк хизматларининг олинмаслиги.

Иқтисодиётнинг рақамлаштирилиши инсон факторининг жараёнларда иштирок этишини минималлаштириб боради ва бу Ҳиндистон сингари йирик мамлакат учун ишсизлик муаммосини келтириб чиқаради. Мамлакат олдида 21 асдаги энг катта муаммоси аҳолининг хавфсизлигини сақлаган ҳамда яшаш шароитларини яхшилаган ҳолда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг замонавий тармоқларини иқтисодиётда жорий этиш ва шу билан биргаликда глобаллашув шароитида рақамли рақобатбардошликни сақлаш туради.

Хулоса

Хулоса сифатида шунини таъкидлаш керакки, “Aadhaar”нинг амалиётга тадбиқ этилиши янги имкониятларни яратган бўлса ҳам, уни тадбиқ этиш жараёнида бир қанча мураккабликлар юзага келган. Жумладан:

Миссия муаммолари: “Aadhaar” дунёдаги энг катта биометрик маълумотлар базаларидан бири, шунинг учун махфийликни таъминлаш керак эди. Ҳиндистонда махфийлик тўғрисидаги қонунларнинг йўқлиги “Aadhaar” лойиҳаси қонуний зарбага дуч келганини ва оммавий риториканинг марказига

айланганини англатади. Аммо Олий суд муҳим қарорида “Aadhaar” нинг конституциявий ҳақиқийлигини тасдиқлади ва “Aadhaar” қонуни шахснинг шахсий дахлсизлиги ҳуқуқини бузмаслигига рози бўлиб, Aadhaarнинг кенгайишига йўл очди.

Бошқарувдаги қийинчиликлар: Aadhaarнинг иши ва таъсири кўплаб вазирликларни босиб ўтганлиги сабабли, у турли вазирликларни сотиб олишни талаб қилди ва улар ўртасидаги тўқнашувларга дош беришга мажбур бўлди.

Харажат хавфи: Бошқа мамлакатларда шахсий картани яратиш жуда қимматга тушади. 2020 йилда Буюк Британия юқори харажатлар туфайли идентификация карталари схемасидан воз кечишга мажбур бўлган, аммо Ҳиндистон идентификация карталарини тадбиқ этиш ҳар бир киши учун 1 АҚШ доллари миқдоридаги харажат талаб этгани маълум бўлди.

Жамоа муаммолари: “Aadhaar” шахсий соҳадан кўплаб одамларни ўз домен тажрибасини таклиф қилиш учун жалб қила олди, аммо бу турдаги хусусий-давлат ҳамкорлигини бошқариш бошида қийин эди.

Вақт хавфи: Ҳиндистон ҳукумати ҳар беш йилда бир марта ўзгаради, шунинг учун ҳукумат ўзгаргандан кейин ҳам давом этиши учун “Aadhaar” лойиҳаси жуда муҳим бўлиши керак эди. Бу тўрт йил ичида нолдан 600 миллион ИДга ўтишни англатарди. Бундай тезлик ва операциялар кўлами илгари ҳеч қачон бўлмаган эди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Цифровая экономика: как специалисты понимают этот термин [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <https://ria.ru/science/20170616/1496663946.html>.

2. Kelly K. New Rules for the New Economy: 10 radical strategies for a connected world / K. Kelly. — New York: Viking, 1998. — 224 p.

3. Kastel's M. Galaktika Internet: Razmyshleniya ob Internetе, biznese i obshchestve. [Galaxy Internet: Reflections about the Internet, business and society]. Ekaterinburg: U — Faktoriya (pri uchastii izd-va Gumanitarnogo un-tа), 2004.

4. Р.Романович. Цифровое будущее Индии. <https://vc.ru/flood/30959-cifrovoye-budushchee-indii>

5. Цифровая экономика может принести Индии триллионы долларов. Но не сразу. <https://golos.io/@econmag/fin2111>

6. ДОКЛАД О ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКЕ, 2019 год – UNCTAD. [unctad.org > PublicationsLibrary > der2019_overview_ru](https://unctad.org/PublicationsLibrary/der2019_overview_ru)

7. Вохидова Меҳри Хасановна бизнес, инновацион ривожланиш ва рақамли иқтисодиётнинг ўзаро боғлиқлиги // Экономика и финансы (Узбекистан). 2020. №2 (134). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/biznes->

innovatsion-rivozhlanish-va-ra-amli-i-tisodiyotning-zaro-bo-li-ligi (дата обращения: 13.04.2023).

8. Шарифхўжаев Шавкат Оқилевич, Вохидова Меҳри Хасановна Мамлакатимизда инновацион инфратузилмани ривожлантиришнинг зарурияти // Экономика и финансы (Узбекистан). 2018. №5. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/mamlakatimizda-innovatsion-infratuzilmani-rivozhlantirishning-zaruriyati> (дата обращения: 13.04.2023).

9. Ismoilov Suxrob Normo'min o'g'li. Raqamli iqtisodiyot bugungi kunda // Ta'lim fidoyilari. 2022. №9. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/raqamli-iqtisodiyot-bugungi-kunda> (дата обращения: 13.04.2023).